



20 20 у. « 30 » сентябрь

№ Қ-508

« » 20 г.

**“Бандихон тумани “Бойсун” массиви
“Обикор” маҳалласи ҳудудидан
“AZAMTUROB” оилавий корхонасига
“Бетон махсулотлари ишлаб чиқариш
цеҳи” қуриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 03-02/653-сон йиғилиш баёни ва Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 29 июлдаги 01-05/1155-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 03-02/653-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. “Бандихон тумани “Бойсун” массиви “Обикор” маҳалласи ҳудудидан “AZAMTUROB” оилавий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1719 қ-дала контуридаги жами 0,12 гектар яйлов ер майдони “Бетон махсулотлари ишлаб чиқариш цеҳи”ни қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “AZAMTUROB” оилавий корхонаси “Бетон махсулотлари ишлаб чиқариш цеҳи” қурилиши учун ажратилаётган 0,12 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 1 997 402 (бир миллион тўққиз юз тўқсон етти минг тўрт юз икки) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати

билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов